

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТУРДИАЛИЕВА ШАҲЗОДА ИСМАТУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН ОЛИНГАН
БУҒЛАТИЛГАН ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ АСОСИДА
КОНЦЕНТРАНГАН ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Турдиалиева Шаҳзода Исматуллаевна

Марказий Қизилкум фосфоритларидан олинган буғлатилган
экстракцион фосфор кислотаси асосида концентранган фосфорли
ўғитлар олиш технологияси..... 3

Турдиалиева Шаҳзода Исматуллаевна

Технология получения концентрированных фосфорсодержащих
удобрений на основе упаренной экстракционной фосфорной кислоты
из фосфоритов Центральных Кызылкумов..... 21

Turdialiyeva Shaxzoda Ismatullayevna

Technology for obtaining concentrated phosphorus-containing fertilizers
based on extraction-phosphoric acid from Central Kyzylkum phosphorites 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТУРДИАЛИЕВА ШАҲЗОДА ИСМАТУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН ОЛИНГАН
БУҒЛАТИЛГАН ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ АСОСИДА
КОНЦЕНТРАНГАН ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т641 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий оппонентлар:

Шамшидинов Исраилжон Турғунович
техника фанлари доктори, профессор

Кучаров Бахром Хайриевич
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот

Навоний Давлат кончилиқ институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «30» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: (ionxanruz@mail.ru))

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.)

Диссертация автореферати 2019 йил «16» июль куни тарқатилди.

(2019 йил «16» июлдаги 11- рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.А.Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш аҳоли жон бошига йил сайин камайиб бораётган экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки ҳосилдорлигини кўпайтириш ҳисобига амалга ошириш лозимдир. Шунинг учун бутун дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш йўналиши танланган. Ҳозирги замонавий шароитларда, ўғитларни ташиш ва тупроқга солиш харажатлари доимий ортиши пайтида барча типдаги тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинларида қўлланилиб келинаётган концентрланган маркадаги NP- ва NPK-ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда истъемолчилик нуқтаи назаридан, ишлаб чиқаришда фақатгина концентрланган фосфор кислота қўллаб олиниши мумкин бўлган моно- ва диаммонийфосфатлар (МАФ ва ДАФ), карбоаммофос ва карбоаммофоска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шунга боғлиқ равишда экстракцион фосфор кислотасини (ЭФК) концентрлаш ва у асосида юқори маркали фосфорли ўғитлар олиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу мақсадда қуйидаги йўналишлар бўйича тегишли илмий ечимларни асослаш, жумладан: кучсиз ЭФКни кальцийли материал билан сульфатсизлантиришнинг мақбул шароитларини топиш; сульфатсизлантирилган ЭФКни буғлатиш усули билан концентрлаш; буғлатилган ЭФКнинг реологик хоссаларини яхшилаш; концентрланган ЭФК, азотли ва калийли тузлар асосида $N : P_2O_5$ ва $N : P_2O_5 : K_2O$ маълум нисбатлардаги ҳар хил маркадаги аммоний фосфатлари ва карбамид тутган мураккаб ўғитлар технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Бугунги кунда республикамизда кенг қўламда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Қизилқум фосфоритларидан олинган ювиб куйдирилган фосфоконцентратни (ЮКК-26) қайта ишлаш асосида аммофос, супрефос-NS; аммоний сульфатфосфат; PS-Агро, бойитилган суперфосфат ва озуқавий аммоний фосфатларини ишлаб чиқариш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Қизилқум ЭФКсини сифати жиҳатидан жаҳон стандартига мувофиқ келадиган, яъни максимал миқдорда ўзлашувчан ва сувда эрувчан P_2O_5 тутган МАФ ва ДАФ, карбоаммофос ва карбоаммофоска каби экспортга мўлжалланган фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини тезкор ривожлантириш бўйича чоралари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ 4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорлари шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ЭФК олиш ва уни буғлатиш, буғлатиш қурилмаларининг инкрустацияга учрашини баргараф этиш, буғлатилган ЭФК асосида МАФ, ДАФ, карбамид ва нитрат тутган NP- ва NPK-ўғитлар яратиш бўйича катта тажриба тўпланган.

ЭФК олиш ва уни буғлатиб МАФ, ДАФ, карбоаммофос ва карбоаммофоска олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, тажриба-саноат-синовлари ҳамда ишлаб чиқаришларини ўзига қамраб олган кенг маълумотлар манбаи мавжуд (М.Е.Позин, Б.А.Копылев, М.А.Шапкин, А.И.Доходлов, В.Ф.Кармышев, С.П.Кочетков, А.М.Норов, Ю.Д.Черненко, И.М.Кочетова, В.А.Гриньевич, К.Г.Горбовский, И.А.Петропавловский). Ундан ташқари вакуум-буғлатиш қурилмаларидаги чўкинди тузли қатламлар таркиби ўрнатилган ва уларни қамайтириш усуллари ишлаб чиқилган (Н.Н.Бушуев, Д.С.Зинин, С.В.Вакал, Е.В.Рудаков, J.Carr, K.Kayar, L.Bernard, M.Evangelidou, R.Behbahani). Аммо уларда апатит концентратидан олинган концентранган ЭФК ишлатилган.

Ўзбекистонда ЭФК олиш ва у асосида аммофос, супрефос-NS; аммоний сульфатфосфат; PS-Агро, бойитилган суперфосфат ва озукавий фосфатлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича Г.И.Ибрагимов, Н.В.Волынскова, Ш.С.Намазов, Б.М.Беглов, Б.С.Садыков, Х.Ч.Мирзакулов, Т.И.Нурмуродов, Г.Э.Мелиқулова ва бошқалар шуғулланишган. Ушбу технологияларнинг барчаси ЮКК-26 маргадаги хлордан ювилган ва куйдирилган концентратдан олинган паст концентрацияли ЭФК (20-23% дан кам P_2O_5) ишлатишга асосланган. Гарчанд, М.Т.Жўраев ишида Қизилқум ЭФКси 21% P_2O_5 дан 25,2-34,5% P_2O_5 гача буғлатилган бўлсада, улар учун дастлабки фосфат хом ашёси сифатида таркибида хлор (0,1-0,2% дан кўп С1) тутган термоконтрат хизмат қилган, бу эса буғлатиш қурилмаларининг жадал коррозияланишига олиб келади. Н.С.Бахриддинов томонидан Қизилқум ЭФКсини таркиби 25,8% P_2O_5 дан 55-60% P_2O_5 концентрациягача буғлатиш амалга оширилган, бунда буғлатилган ЭФКни аммонийлаш асосида таркибида 50% дан ортиқ конденсирланган шаклдаги фосфор тутган суюқ аммоний полифосфат олинган. Камчилик худди шундай – лаборатория шароитида олинган термоконтрат хлорни

ювиш босқичини четлаб ўтиб сульфат кислотада экстракция қилинади. Таъкидлаш лозимки, охириги иккита ишнинг натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинмаган.

Шундай қилиб, термоконцентратдан таркиб ва хоссалари бўйича фарқ қиладиган янги турдаги ЮКК-26 дан олинган ЭФКни юқори концентрацияли P_2O_5 гача буғлатиш ва шу орқали концентрланган фосфор кислота асосида ҳар хил маркадаги МАФ, ДАФ, карбоаммофос ва карбоаммофоска олиш бўйича маълумотлар йўқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 10-10 рақамли «Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида экспортга мўлжалланган азот-фосфор-калийли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» (2010-2012 йй.) ва 13-24 рақамли «Таркибида 26% P_2O_5 тутган ювиб куйдирилган фосфорит концентратини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2013-2015 йй.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қизилқум фосфоконцентратидан олинган буғлатилган экстракцион фосфор кислотаси асосида концентрланган фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилқум ЭФКсини буғлатиш ва буғлатилган фосфор кислотасини тиндириш жараёнларини тадқиқ этиш, ундан ташқари концентрланган кислотанинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш. Буғлатилган ЭФКларнинг қаттиқ чўкмаларини кимёвий ва рентгенографик тадқиқ қилиш;

Қизилқум буғлатилган ЭФКси таркиб ва физик-кимёвий хоссаларига (зичлик, қовушқоқлик, тўйинган буғ босими, қайнаш ҳарорати) H_2SO_4 таъсирини ўрганиш;

Қизилқум ЭФКсини сульфатсизлантириш ва буғлатиш, кейинчалик жаҳон стандартига мос келувчи $N : P_2O_5 = 12 : 52$ ва $18 : 48$ маркалардаги аммоний фосфатларини олиш;

аммоний фосфатлари бўтқалари, карбамид эритмаси и кристаллик калий хлориди асосида карбамид тутган мураккаб ўғитлар (карбоаммофос ва карбоаммофоска) олиш жараёнини тадқиқ этиш;

рентгенография усулини қўллаш орқали МАФ, ДАФ, карбоаммофос ва карбоаммофоскаларнинг тузли таркибини аниқлаш;

буғлатилган ЭФК базасида NP - ва NPK -ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий балансини тузиш ва технологик тизимини ишлаб чиқиш;

«Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг тажриба ускунасида NP - ва NPK -ўғитлар олиш режимларини синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти экстракцион фосфор кислотаси, буғлатилган фосфор кислотаси, чўкма, H_2SO_4 , фосфорит уни, МАФ, ДАФ, карбамид, калий хлоридидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети буғлатилган ЭФКни аммонийлаштириб

карбамид ва калий хлориди қўшимчаси билан концентрланган маркадаги аммоний фосфат ва карбамид тутган ўғитлар олиш жараёни, ундан ташқари тайёр маҳсулотларнинг таркиб ва хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенофаза ва эксикаторли) таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қизилқум кучсиз ЭФКсини оралик тиндириш орқали 55% P₂O₅ гача буғлатиш ва қаттиқ чўкмаларни аммофос ишлаб чиқаришга қайтариш мумкинлиги исботланган;

эркин ҳолатдаги H₂SO₄ мавжудлиги буғлатилган ЭФК қовушқоқлигига ижобий таъсир кўрсатиши ва фақатгина сувда эрувчан шаклдаги олтингугурт тутган ўғитлар олиш мумкинлиги аниқланган;

тозаланган, концентрланган фосфор кислотадан юқори маркали фосфорли ўғитлар олиш мақсадида ЭФКни сульфатсизлантириш, тиндириш ва буғлатиш шароитлари асосланган;

сульфатсизланган ва концентрланган ЭФКни аммонийлаштириш орқали сифати жаҳон стандартларига мос келадиган 12 : 52 ва 18 : 48 маркадаги моно- ва диаммонийфосфатлар (МАФ ва ДАФ) олинган;

карбамид эритмаси ва кристаллик калий хлориди қўллаш орқали фосфат-аммиакли бўтқани карбоаммофос ва карбаммофоскага қайта ишлашнинг мақбул режими аниқланган;

буғлатилган ЭФКни қайта ишлаш йўли билан аммоний фосфатлари ҳамда карбамид тутган мураккаб ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

истъемолчилик хоссаларга эга жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот олишга имкон берувчи буғлатилган ЭФК асосида МАФ, ДАФ, мувозанатлашган NP- ва NPK-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

аммоний фосфатлари ва карбамид тутган ўғитлар олишнинг моддий баланси, технологик тизими ишлаб чиқилган;

аммоний фосфатлари ва концентрланган NP- ва NPK-ўғитлар олиш технологиясининг мақбул режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари йириклаштирилган лаборатория ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар кучсиз ЭФКни сульфатсизлантириш, тиндириш ва буғлатиш усулида концентрлаш ва буғлатилган фосфор кислота, мочевино ва калий хлориди асосида юқори маркали аммоний фосфат ва мувозанатлашган карбамид тутган мураккаб ўғитлар яратишга асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни амалиётга жорий қилишда томчилаб суғориш шароитларида иссиқхоналарда ишлатиладиган экспортга мўлжалланган сувда эрувчан ўғитлар олишга имкон беради. Ишлаб чиқилган технологик тизимлардан янги ишлаб чиқаришни лойиҳалашда ва

ишлаб турган тизимни реконструкциясида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган буғлатилган ЭФКни қайта ишлаш йўли билан концентрланган фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Марказий Қизилқум фосфоритлари ЮКК-26 дан олинган буғлатилган ЭФК асосида $N : P_2O_5 = 12 : 52$ ва $18 : 48$ маркалардаги МАФ ва ДАФ олиш технологияси «Электрокимё завод» ҚК-АЖнинг истиқболли ишланамалар рўйхатига киритилган («Uzkimyosanoat» АЖ нинг 13 июнь 2019 йилдаги 01/3-3454-сон маълумотномаси). Натижада сифати жаҳон талабларига жавоб берадиган ҳамда томчилаб суғоришда юқори самарали экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

аммофос бўтқаси, карбамид эритмаси ва кукунсимон калий хлориди асосида карбоаммофос ва карбоаммофоска олиш технологияси «Электрокимё завод» ҚК-АЖнинг истиқболли ишланамалар рўйхатига киритилган («Uzkimyosanoat» АЖ нинг 13 июнь 2019 йилдаги 01/3-3454-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги асосий озуқа компонентлари бўйича мувозанатлашган юқори концентрацияли мурраккаб ўғитлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан 8 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Экстракцион фосфор кислотасини концентрлаш ва у асосида фосфорли ўғитлар**» ҳисобланган адабиётлар шарҳида Қизилқум фосфорит рудасининг тавсифи ва уни термик бойитиш жараёни берилган, термоконцентратдан ЭФК олиш жараёни кўрилган. «Аmmofos-Махат» АЖ ишлаб чиқариши фосфорли ўғитларнинг ассортименти ва тавсифи қилинган. Қизилқум ЭФКсини буғлатиш йўли билан концентрлаш жараёни ва

буғлатиш курилмаларида иссиқлик алмашиниши ёмонлаштирадиган инкрустацияни бартараф этиш усуллари баён этилган. Ишнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи «Қизилқум экстракцион фосфор кислотасини буғлатиш усули билан концентрлаш» бобида «Аmmofos-Махам» АЖда ишлаб чиқарилган, таркиби (оғир.%): P_2O_5 19,88; CaO 0,30; MgO 0,39; SO_3 1,64; Fe_2O_3 0,31; Al_2O_3 0,72 бўлган ЭФКни буғлатиш жараёни ўрганилди. Уни буғлатиш парракли кварц аралаштиргич билан таъминланган кварцли реакторда атмосфера босими остида ўтказилди. Реактор махсус электр печи ёрдамида деворлари орқали қиздирилди. Шундай қилиб, ЭФК концентрацияси 19,88 дан 58,35% P_2O_5 гача оширилди. Таъкидлаш лозимки, 30°C ҳароратга эга кислота концентрацияси 55% P_2O_5 дан ортиши билан кристалланиш бошланади. Буғлатилган ЭФК 1 суткада хона ҳароратигача совитилди ва чўкма ажратиб олинди. Аниқландики, ЭФК концентрацияси қанча юқори бўлса, тушадиган чўкма миқдори шунча кўп бўлади. 1-жадвалда 35,15 дан 50,56% P_2O_5 концентрациягача буғлатилган ЭФКнинг чўкмалари ва тиндирилган қисми таркиблари келтирилган. Бунда чўкмага 93 дан 99% гача CaO, 35 дан 40% гача MgO, 9 дан 14% гача Fe_2O_3 , 9 дан 20% гача Al_2O_3 ва 48 дан 52% гача $SO_{3\text{умум}}$ ўтади. Бу ҳолатда 7 дан 10% гача P_2O_5 йўқолади. 27,32-46,3% P_2O_5 , 3,25-5,08% CaO, 1,71-4,32% MgO, 0,62-8,71% Fe_2O_3 , 0,71-9,31% Al_2O_3 ва 9,42-10,54% SO_3 тутган чўкмалар барча турдаги фосфорли ўғитлар таркибида фосфорли компонент сифатида хизмат қилиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган концентрланган ЭФКнинг тиндирилган қисми ва чўкмаси таркиби

ЭФК концентрацияси (P_2O_5), %	Компонентлар миқдори, оғир. %					
	$P_2O_{5\text{умум}}$	CaO	MgO	Fe_2O_3	Al_2O_3	SO_3
Буғлатилган ЭФКдан олинган чўкма						
35,15	27,32	3,25	1,71	0,62	0,71	10,47
40,25	32,35	3,36	1,84	0,79	1,18	9,42
46,63	40,30	4,40	2,40	1,06	1,80	11,89
50,56	46,30	5,08	4,32	8,71	9,31	10,54
Буғлатилган ЭФКнинг тиндирилган қисми						
35,15	35,92	0,031	0,46	0,78	0,90	1,44
40,25	40,85	0,023	0,45	0,87	0,96	1,93
46,63	46,41	0,011	0,50	0,97	1,05	2,15
50,56	51,07	қолдиқ	0,34	1,65	1,27	2,87

XRD-6100 (Shimadzu, Японияда ишлаб чиқарилган) дифрактометрида олинган рентгенораммалар таҳлили шуни кўрсатдики, чўкмалар тузли таркиби ҳар хил шаклдаги гипс, дикальцийфосфат, натрий ва калий кремнефторидлари, магний фториди, темир ва алюминий фосфатларидан ташкил топган.

Тиндирилган ЭФК эса 35,92-51,07% P_2O_5 , 0,34-0,50% MgO , 0,78-1,65% Fe_2O_3 , 0,90-1,27% Al_2O_3 , 1,44-2,87% SO_3 тутади. Реологик хоссалар бўйича хулоса қилиш мумкинки, 40°C дан юқори ҳароратда буғлатилган ЭФК 55% P_2O_5 концентрациягача ўз оқувчанлигини сақлаб қолади. Агарда, ўрганилган ҳароратларда (40-100°C) концентрацияси 40,25% P_2O_5 бўлган ЭФКнинг зичлик ва қовушқоқлиги мос равишда 1,4531-1,4931 г/см³ ва 2,94-8,64 сПз ни ташкил этса, 55,19% концентрациядаги ЭФКда улар 1,7302-1,7801 г/см³ ва 14,03-76,61 сПз га тенг бўлади. 60°C да 35,15-55,19% P_2O_5 концентрация оралиғида фосфор кислотаси тўйинган буғ босими 0,38-14,28 кПа га тенг ва иссиқ иқлим шароитида уларнинг кам учувчан эканлигидан далолат беради. Ушбу буғлатилган кислоталар концентрланган аммоний фосфатлар ва бошқа турдаги мураккаб ўғитлар олиш учун хизмат қилади.

Эркин H_2SO_4 мавжудлиги фосфор кислотасининг хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади, яъни ҳам буғлатилган, ҳам буғлатилмаган ЭФКнинг қовушқоқлигини, қайнаш ва музлаш ҳароратини сезиларли камайтиради. Шунга кўра, H_2SO_4 нинг ҳар хил кўшимчаларида Қизилқум ЭФКсини буғлатиш жараёни ўрганилди. Бунинг учун дастлабки ЭФКга 93% ли H_2SO_4 шундай миқдорда кўшилдики, $H_2SO_{4\text{эркин}}$ миқдори дастлабкига нисбатан 1,5 ва 2 баробар кўп бўлади. Бунда дастлабки ЭФКда $H_2SO_{4\text{эркин}}$ 1,48 дан 2,96% гача оралиқда ўзгартирилди. H_2SO_4 кўшимчаси миқдорига боғлиқ равишда 34,41 дан 55,24% гача P_2O_5 ва 2,62 дан 8,45% гача $H_2SO_{4\text{эркин}}$ тутган ЭФКнинг буғлатилган эритмалари олинди. Хулоса қилиш мумкинки, дастлабки ЭФКда H_2SO_4 қанча кўп бўлса, буғлатилган кислота шунча ҳаракатчан бўлади. Масалан, ҳароратга боғлиқ равишда (30-100°C) 46,63% P_2O_5 ва 5,29% H_2SO_4 концентрацияларда буғлатилган ЭФК зичлиги ва қовушқоқлиги 1,5657-1,6122 г/см³ ва 5,08-24,11 сПз бўлса, 55,24% P_2O_5 ва 6,44% H_2SO_4 ларда эса бу қийматлар 1,7582-1,8095 г/см³ ва 18,01-149,5 сПз ни ташкил этади. P_2O_5 , H_2SO_4 концентрациялари ва ҳароратга боғлиқ равишда буғлатилган ЭФК буғ босими 0,23-14,28 кПа ни ташкил этади.

Шундай қилиб, дастлабки ЭФКга нисбатан H_2SO_4 кўшимчаси миқдорининг кўпайиши буғлатилган кислоталар зичлиги ортишига, қовушқоқлиги ва қайнаш ҳароратининг камайишига олиб келади. Буғлатилган кислоталарни олтингугуртнинг фақатгина сувда эрувчан шаклида бўлган суюқ ёки донадор комплекс ўғитларга қайта ишлаш мумкин.

Учинчи «**Буғлатилган фосфор кислотаси асосида концентрланган маркадаги NP- ва NPK ўғитлар**» боби дастлабки ЭФК асосида олинган концентрланган кислотани (36,06; 42,55; 50,62; 56,53% P_2O_5) қайта ишлаш йўли билан МАФ ва ДАФ, карбамид тутган ўғитлар (карбоаммофос ва карбоаммофоска) олиш жараёнига бағишланган. МАФ ва ДАФ олиш учун улар мос равишда $pH = 4,5; 5,1; 5,5$ гача ($NH_3 : H_3PO_4=1,1$ моль нисбатгача) ва $pH = 7,0; 7,5; 8,0$ гача ($NH_3 : H_3PO_4=2,0$ моль нисбатгача) газсимон аммиак билан нейтралланди. NH_3 йўқолишининг олдини олиш учун диаммофос бўтқасини тўйинтириш 70°C дан юқори бўлмаган ҳароратда ўтказилди. Бўтқанинг ҳолати визуал аниқланди. Аниқландики, дастлабки концентрация

36,06% P_2O_5 бўлган аммофос ва диаммофос бўтқалари яхши оқувчанликка эгадир. Бунда улар 36-38% H_2O тутган. Дастлабки концентрацияси 42,55% P_2O_5 ва намлиги 30-32% H_2O бўлган аммонийлашган бўтқалар $50^\circ C$ дан юқори ҳароратда ўз оқувчанлигини сақлайди. 50,62-56,53% P_2O_5 тутган ЭФКдан олинган бўтқалар ҳаракатланмайдиган ҳолатга келади, чунки улардаги сув миқдори 20 дан 15% H_2O гача камаяди. Ундан ташқари, юқори $NH_3 : H_3PO_4$ да аммоний фосфатлар эрувчанлигини кескин камайтиради, бу эса бўтқада тўғридан-тўғри ҳосил бўладиган майда доналар кўпайишига олиб келади. Натижада доналар етарлича кристалланмайди, чунки аморф бўлади. Шу сабабли биз уларни БДҚга осон ташиладиган қилиш учун сув билан 30% гача (аммофос олиш учун) ва 35% гача (диаммофос олиш учун) суюлтирдик.

Адабий манбалардан ҳар хил таркиб ва қўшимчалар тутган ЭФКни аммонийлаштиришда ҳосил бўлган кимёвий бирикмалар рўйхати кўрилди.

Аммофосни қуритиш $60^\circ C$ да, диаммофосни эса – $75^\circ C$ дан юқори бўлмаган ҳароратда бажарилди. Бўтқаларни дондорлаш қуритиш жараёнида окатка усулида амалга оширилди. МАФ олишда бўтқанинг макбул рН қиймати 5,1 ($NH_3 : H_3PO_4=1,05$), ДАФ – 7,5 ($NH_3 : H_3PO_4=1,75$), буғлатилган ЭФК концентрацияси 42,55% P_2O_5 ҳисобланади, бунда аммоний фосфатларнинг ҳаракатчан бўтқаси ҳосил бўлади. Тайёр маҳсулот – МАФ таркибида (оғир. %): N – 12,84; $P_2O_{5\text{умум.}}$ – 51,92; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 99; $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 91; CaO – 0,19; MgO – 0,82; Al_2O_3 – 1,16; Fe_2O_3 – 0,78; SO_3 – 3,33; дона мустаҳкамлиги – 3,87 МПа; ДАФда эса (оғир. %): N – 17,51; $P_2O_{5\text{умум.}}$ – 48,57; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 99,6; $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 91; CaO – 0,18; MgO – 0,80; Al_2O_3 – 1,08; Fe_2O_3 – 0,73; SO_3 – 3,35; дона мустаҳкамлиги – 3,81 МПа бўлади. Уларда нисбатан юқори миқдорда азот ва кам миқдорда фосфор бўлиши $(NH_4)_2SO_4$ нинг (5,5% гача) мавжудлиги билан изоҳланади.

Шу сабабли ишнинг кейинги босқичи дастлабки ЭФКни (19,88% P_2O_5) таркиби (оғир. %): 17,37 P_2O_5 ; 47,13 CaO; 1,75 MgO; 0,76 Fe_2O_3 ; 1,12 Al_2O_3 ; 1,33 SO_3 ; 14,89 CO_2 бўлган карбонатли фосфорит уни билан сульфатсизлантириш бўлди. Фосфорит уни меъёри $H_2SO_{4\text{эркин}}$ ни $CaSO_4$ га боғлаш учун стехиометриядан 80-120% олинди. Бунда сульфатсизлантириш давомийлиги 30 дақиқа. Вақт тугаши билан реактор ичидаги $60-65^\circ C$ да 60 дақиқада тиндирилди. Сульфатсизланган ЭФК декантация усулида гипс чўкмасидан ажратилди. Суюқ ва қаттиқ фазалардаги сульфатли ион миқдори бўйича ЭФКнинг сульфатсизланиш даражаси ҳамда компонентларнинг суюқ ва қаттиқ фазалар бўйича тақсимланиши ҳисобланди. Тиндирилган ЭФК ва унинг чўкмаси таркиби 2 ва 3-жадвалларда келтирилган.

2-жадвал маълумотлари бўйича, фосфорит уни меъёрининг 80 дан 120% гача ортиши билан кислотада $SO_{3\text{умум.}}$ миқдори 0,58 дан 0,39% гача бир хил ҳолатда камаяди ва шу орқали сульфатсизланиш даражаси 67,10 дан 79,27% гача ортади. Масалан, 80, 100, 110 ва 120% меъёрларда P_2O_5 , CaO, MgO, Fe_2O_3 , Al_2O_3 ва SO_3 миқдорлари мос равишда 10,81 дан 13,78 гача; 13,33 дан 7,41 гача; 0,20 дан 0,15 гача; 0,37 дан 0,12 гача; 1,01 дан 0,51 гача ва 27,65 дан 12,63% гачани ташкил этади. Ушбу компонентларнинг камайиши P_2O_5 дан

истисно холда, чўкмада гипс, кальций монофосфат, димагнийфосфат ва темир, алюминий фосфатларининг ҳосил бўлиши билан тушинтирилади. Бу чўкмалар ҳар қандай ўғитларнинг фосфорли компонентлари бўлиши мумкин.

2-жадвал

Карбонатли фосфорит уни билан сульфатсизлантирилган ЭФК таркиби

Фосфорит уни меъёри, стех. %	Компонентлар миқдори, оғир. %						Сульфатсизланиш даражаси, %
	P ₂ O ₅	CaO	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	SO ₃	
80	21,24	0,46	0,44	0,33	0,74	0,58	67,10
100	21,35	0,52	0,45	0,34	0,75	0,50	72,56
110	21,39	0,61	0,46	0,35	0,76	0,43	76,83
120	21,56	0,63	0,48	0,36	0,78	0,39	79,27

3-жадвал

ЭФКни сульфатсизлантиришда ҳосил бўлган чўкмалар таркиби

Фосфорит уни меъёри, стех. %	Компонентлар миқдори, оғир. %					
	P ₂ O ₅	CaO	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	SO ₃
80	10,81	13,33	0,20	0,37	1,01	27,65
100	11,12	10,79	0,19	0,24	0,76	20,37
110	12,59	7,85	0,16	0,15	0,60	14,85
120	13,78	7,41	0,15	0,12	0,51	12,63

Фосфорит унининг мақбул меъёри – 100%, бунда ЭФКнинг сульфатсизланиш даражаси 72,5% га етади. Ушбу меъёрда сульфатсизланган кислота (21,35% P₂O₅) буғлатишга учратилди. Кислота P₂O₅ миқдори 35,02-55,16% гача концентрланди, кейинчалик эритмалар тиндириш йўли билан тиниклаштирилди. Чўкмалар декантация усулида ажратилди. Чўкмалар ажратмасдан буғлатилган ЭФК эритмалари, уларнинг тиниклаштирилган қисми ҳамда чўкмалар таркиби 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Сульфатсизланган буғлатилган фосфор кислотаси ва чўкмаси таркиби

P ₂ O ₅ миқдори, %	Компонентлар миқдори, оғир. %				
	CaO	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	SO ₃
Тиндирилмаган буғлатилган сульфатсизланган ЭФК					
35,02	0,84	0,74	0,55	1,22	0,81
40,11	0,96	0,85	0,63	1,39	0,93
44,50	1,07	0,94	0,69	1,55	1,03
50,12	1,21	1,06	0,78	1,74	1,16
55,16	1,33	1,17	0,86	1,92	1,28
Буғлатилган сульфатсизланган ЭФКнинг тиниклаштирилган қисми					
35,80	0,42	0,64	0,58	1,18	0,32
41,73	0,34	0,74	0,66	1,34	0,35
46,76	0,27	0,90	0,78	1,53	0,21
52,01	0,25	1,06	0,82	1,73	0,15
56,65	0,19	0,97	0,87	1,89	0,26
Буғлатилган сульфатсизланган ЭФКнинг чўкмаси					
30,95	3,04	1,24	0,37	1,43	3,35
32,93	3,69	1,30	0,49	1,62	3,57
38,34	3,24	1,04	0,45	1,23	3,28
46,08	3,26	1,07	0,69	1,75	3,32
47,22	7,39	2,21	0,88	2,15	6,70

Ундан кўринмокдаки, чўкмаларни ажратиш билан ЭФК эритмаларини тиндиришда 35,02% ли P_2O_5 тутган ЭФК учун Fe_2O_3 дан ташқари аралашма компонентларининг миқдори (оғир. %): CaO 0,84 дан 0,42 гача; MgO 0,74 дан 0,64 гача; Al_2O_3 1,22 дан 1,18 гача; SO_3 0,81 дан 0,32 гача; 55,16 %-ли P_2O_5 тутган ЭФК учун эса CaO миқдори 1,33 дан 0,19 гача; MgO 1,17 дан 0,97 гача; Al_2O_3 1,92 дан 1,89 гача; SO_3 1,28 дан 0,26 гача камаяди. Бунда дастлабкига нисбатан тиниклашган қисмда P_2O_5 миқдори 1,022; 1,04; 1,051; 1,037 ва 1,027 баробар ортади (ЭФК концентрацияси 35,80; 41,73; 46,76; 52,01 ва 56,65% P_2O_5).

Чўкмалар кимёвий ва тузли таркибини: 30,95-47,22% P_2O_5 ; 3,04-7,39% CaO ; 1,04-2,21% MgO ; 0,37-0,88% Fe_2O_3 ; 1,23-2,15 Al_2O_3 ; 3,28-6,70 SO_3 таҳлил қилган ҳолда улар $CaSO_4$, $CaHPO_4$, $AlPO_4$, $FePO_4$, MgF_2 , шунингдек K_2SiF_6 , $KNaSiF_6$, K_2SiF_6 кўринишида кристалланади.

Буғлатилган ва сульфатсизланган, яна тиниклаштирилган ЭФКнинг реологик хоссалари (зичлик, қовушқоқлик), тўйинган буғ босими ва қайнаш ҳарорати ўрганилди. Кўрсатилдики, олинган кислота суюқ-оқувчан, енгил ташилади ва нормал шароитда учмайди.

Кейинчалик 35,8; 41,73 ва 46,76% P_2O_5 концентрацияли фосфор кислоталар МАФ ва ДАФ олиш учун аммонийлаштиришга учратилди. Тайёр маҳсулотларнинг таркиби 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Буғлатилган экстракцион фосфор кислотаси концентрациясига боғлиқ равишда МАФ ва ДАФ намуналари таркиби

ЭФК конц-си, P_2O_5 , %	Компонентлар миқдори, оғир. %							P_2O_5 _{ўзл.} : P_2O_5 _{сумум.} %	P_2O_5 _{суб.эр.} : P_2O_5 _{сумум.} %	Доналар мустаҳ- камлиги МПа
	N	P_2O_5 _{сумум.}	CaO	MgO	Fe_2O_3	Al_2O_3	SO_3			
Моноаммонийфосфат (pH = 5,1 да)										
35,8	12,25	52,70	0,60	0,92	0,84	1,72	0,45	98,41	90,17	4,82
41,73	12,69	52,97	0,41	0,93	0,82	1,68	0,41	98,39	93,17	4,46
46,76	13,01	53,14	0,30	1,02	0,88	1,75	0,23	98,23	94,15	4,93
Диаммонийфосфат (pH = 7,5 да)										
35,8	17,21	48,16	0,57	0,89	0,82	1,68	0,40	99,63	92,50	3,18
41,73	17,86	49,38	0,38	0,90	0,80	1,66	0,37	99,72	92,37	5,34
46,76	18,06	50,09	0,28	1,00	0,86	1,73	0,20	99,80	92,55	4,74

ГОСТ 18918-85 талаби бўйича МАФ таркиби 12% N ва 52% P_2O_5 _{ўзл.} дан кам бўлмаслиги, ТУ 113-08-537-83 га мувофиқ ДАФ –18% N ва 48% P_2O_5 _{ўзл.} дан кам бўлмаслиги лозим. Буғлатилган ЭФК 41,73% P_2O_5 концентрацияси учун донадор МАФ таркиби (оғир. %): N – 12,69; P_2O_5 _{сумум.} – 52,97; P_2O_5 _{ўзл.} : P_2O_5 _{сумум.} = 98,39; P_2O_5 _{суб.эр.} : P_2O_5 _{сумум.} = 93,17; SO_3 – 0,41; CaO – 0,41; MgO – 0,93; Fe_2O_3 – 0,82; Al_2O_3 – 1,68 ва доналар мустаҳкамлиги 4,46 МПа бўлади. Шундай концентрацияли кислотадаги ДАФ таркибида 49,38% P_2O_5 _{сумум.}, ундан 99,72% ўзлашувчан шаклда, 92,37% – сувда эрувчан шаклда ва 17,86% N бўлади. Унда 0,38% CaO; 0,90% MgO; 0,80% Fe_2O_3 ; 1,66% Al_2O_3 ва 0,37% SO_3 . Унинг доналар мустаҳкамлиги – 5,34 МПа.

ЭФКнинг қолган концентрациялари учун шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Фақатгина маҳсулотлардаги компонентлар миқдорининг абсолют қийматлари ўзаро сезиларсиз даражада фарқланади.

Рентгенографик тадқиқотлар кўрсатдики, МАФнинг тузли таркиби сезиларсиз миқдордаги $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ тутган $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$, ДАФ эса кам миқдорда $(\text{NH}_4)_3\text{PO}_4$ тутган $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ дан ташкил топган.

Мувозанатлашган NP -ўғитлар – карбоаммофос олиш мақсадида МАФ ($\text{pH} = 5,3$ да) ва ДАФ ($\text{pH} = 7,0$ да) бўтқаларига уларни донадорлашдан олдин $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : (0,5-1)$ оғирлик нисбатларда карбамиднинг 70% ли эритмаси қўшилди. Компонентларнинг аралашуви давомийлиги 15 дақиқани ташкил этди. NPK -ўғитлар – карбоаммофоска олиш шароитида эса 15 дақиқали аралашушдан кейин карбоаммофос бўтқасига ўлчанган калий хлориди (60% K_2O) киритилди. Бунда $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 : \text{K}_2\text{O}$ оғирлик нисбати $1 : 0,7 : 0,3$ дан $1 : 1 : 1$ гача ўзгартирилди. NPK -бўтқасини аралаштириш жараёни яна 15 дақиқа давом этди. Барча тажрибаларда ҳарорат $70-80^\circ\text{C}$ да тутиб турилди. Озуқа компонентларнинг танланган нисбатлари қишлоқ хўжалиги томонидан энг талабгорлиги билан изоҳланади.

6-жадвалда дастлабки концентрацияси - 40,85% P_2O_5 бўлган фосфор кислотасида олинган аммофос ва диаммофос бўтқалари асосидаги карбоаммофос намуналари таркиби келтирилган.

6-жадвал

Аммоний фосфат бўтқалари ва карбамид асосидаги мувозанатлашган NP -ўғитлар таркиби ва доналар мустаҳкамлиги

$\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5$ оғирлик нисбати	N , %	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ %	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}} : \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ %	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{суб.эр.}} : \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ %	Доналар мустаҳкамлиги, МПа
Аммофос бўтқаси ($\text{pH}=5,3$) ва карбамид эритмаси асосида карбоаммофос					
1 : 0,5	34,89	17,42	96,04	90,87	3,37
1 : 0,7	31,76	22,21	96,13	90,95	3,40
1 : 1	28,01	28,02	96,57	91,43	3,51
Диаммофос бўтқаси ($\text{pH}=7,0$) ва карбамид эритмаси асосида карбоаммофос					
1 : 0,5	35,81	17,90	96,54	92,91	3,25
1 : 0,7	32,88	23,05	96,57	94,19	3,30
1 : 1	29,25	29,26	96,62	94,22	3,42

Масалан, $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : 0,5$ нисбатда аммофос бўтқаси ($\text{pH} = 5,3$) асосидаги карбоаммофос 34,89% N , 17,42% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}} : \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}} = 96,04\%$, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{суб.эр.}} : \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}} = 90,87\%$, $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : 1$ да эса – 28,01% N , 28,02% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}} : \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}} = 96,57\%$, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{суб.эр.}} : \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}} = 91,43\%$ тутади. Маҳсулотлар доналар мустаҳкамдиги 3,5 МПа га етади. Таркиб ва хоссалари жиҳатидан ўзаро яқин бўлган NP -ўғитлар диаммофос бўтқаси асосида ҳам олинади (6-жадвал). Доналар минимал мустаҳкамлиги (3,25 МПа) $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : 1$ нисбатга тўғри келади. Ҳар қандай ҳолатда маҳсулот қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб беради (3 МПа дан паст бўлмаслиги лозим).

7-жадвалда $N : P_2O_5 : K_2O = 1 : 0,7 : 0,3$; $1 : 0,7 : 0,5$ ва $1 : 1 : 1$ оғирлик нисбатларда МАФ ва ДАФ, карбамиднинг 70% ли эритмаси ва калий хлориди асосида олинган карбоаммофос таркиби келтирилган.


МАФ ва ДАФнинг азотли ва калийли қўшимчалар билан ўзаро таъсирлашув ҳолати ўхшашдир. Жараёнга таъсир қиладиган асосий параметр $N : P_2O_5 : K_2O$ нисбати ҳисобланади. Улардан кўринмоқдаки, карбоаммофос

7-жадвал

Аммоний фосфат бўтқалари, карбамид ва калий хлориди асосидаги мувозанатлашган NPK-ўғитлар таркиби ва доналар мустаҳкамлиги

N : P ₂ O ₅ : K ₂ O оғирлик нисбати	N, %	P ₂ O ₅ сумум., %	K ₂ O, %	P ₂ O ₅ ўзл. : P ₂ O ₅ сумум., %	P ₂ O ₅ сув.эр. : P ₂ O ₅ сумум., %	Доналар мустаҳкамлиги, МПа
Аммофос бўтқаси, карбамид эритмаси ва калий хлориди асосида карбоаммофоска						
1 : 0,7 : 0,3	23,22	16,30	7,20	95,83	93,87	3,94
1 : 0,7 : 0,5	23,17	16,31	11,59	96,69	94,18	4,37
1 : 1 : 1	19,07	19,08	19,09	97,38	95,28	4,42
Диаммофос бўтқаси, карбамид эритмаси ва калий хлориди асосида карбоаммофоска						
1 : 0,7 : 0,3	23,28	16,34	7,31	95,96	94,19	3,31
1 : 0,7 : 0,5	23,27	16,37	11,66	96,82	94,50	3,33
1 : 1 : 1	19,66	19,67	19,65	97,97	95,37	3,57


бўтқасига қанча кўп калий хлориди киритилса, маҳсулот доналари мустаҳкамлиги шунча юқори бўлади. Доналарнинг энг юқори мустаҳкамлиги (4,42 МПа) аммофос бўтқаси ва $N : P_2O_5 : K_2O = 1 : 1 : 1$ нисбатда кузатилади. Энг юқори миқдордаги озуқа компонентлари ($N+P_2O_5+K_2O = 59\%$, P_2O_5 ўзл. : P_2O_5 сумум. = 97,97 ва P_2O_5 сув.эр. = P_2O_5 сумум. = 95,37) 1 : 1 : 1 да, аммо диаммофос бўтқаси қўлланилганда эришилади. Ҳар қандай ҳолатда, барча маркадаги карбоаммофослар озуқа моддаларининг юқори концентрациясини тутган бўлади.



1-расм. $N : P_2O_5 = 1 : 1$ нисбатда МАФ ва карбамид асосидаги карбоаммофос рентгенограммаси.

1-расмда $N : P_2O_5 = 1 : 1$ МАФ бўтқаси асосидаги карбоаммофос, 2-расмда эса $N : P_2O_5 : K_2O = 1 : 1 : 1$ карбоаммофоска рентгенограммалари келтирилган. Карбоаммофос рентгенограммасида $NH_4H_2PO_4$ га таъллуқли

